



ЎЗБЕКISTОН
POSTDA
Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри

2005 йил 12 май пайшанба

19 (3600)-сон

ИЖОДИЙ БАРКАМОЛЛИК ТИЛАЙМАН

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган тахририяти жамоасини, фахрийларини, жамоатчи мухбирларини ва уларнинг оила аъзоларини "Постда" ва "На посту" газеталари ташкил этилган кун билан самимий муборакбод этаман.

Бугунги кунда ўз қиёфаси ва обрўсига эга бўлган нашрлар-

да мустақил юртимизда рўй бераётган янгиланишлар, ислохотларнинг бориши, ички ишлар ходимларининг ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш каби кўплаб долзарб масалалар мукамал ёритиб борилаёпти.

Газеталарнинг ҳар бир сони

кенг ўқувчилар оммасига манзур бўлиши учун бор билим ва маҳоратини аямаётган ижодий жамоага куч-қувват, сиҳат-саломатлик ва оилавий бахт тилайман. Ижодий баркамоллик манбаи – илҳом сизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Зокиржон АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири,
генерал-полковник.



ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ОНЛАР



Мана, бир неча йилдирки, мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш аънаанага айланган. 9 май куни кучоғида гул, кўзларига ёш инган инсонлар яна пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар кўйиш учун йиғилишди. Уларнинг юзларидан бундан 60 йил аввал Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба нашидасини сезиш қийин эмас эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, атоқли санъат ва адабиёт намояналари, уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, фаоллар, кенг жамоатчилик вакиллари хотира майдонини зиёрат қилиб, аجدодлар хотирасини ёдга олишди.

Ушбу тантанада Ички ишлар вазири, генерал-полковник З. Алматов бошчилигидаги ички ишлар идоралари вакиллари ҳам иштирок этишди. Улар Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида ва Ватанимиз осойишталиги, тинчлиги йўлида хизмат бурчларини бажариш вақтида ҳалок бўлган мард, жасур ҳамкасбларимизга чуқур ҳурмат бажо келтирдилар.

(Давоми 2-бетда).

УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА
ИЧИДА



3

ФИДОЙИЛИК
ҚАДР
ТОПАВЕРАДИ



4

ОЛИЙ
ҲАКАМ



7

МУШТАРИЙЛАРИМИЗ
ОЛДИДА
МАСЪУЛИМИЗ



8

САНЪАТКОР
ХОТИРАСИ
УЛУҒЛАНДИ



14

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



ГРУЗИНЧА РАҚСЛАР ВА ТАОМЛАР АЗИЗ МЕҲМОНГА ЁҚДИ

АҚШ Президенти Жорж Буш Россияга сафаридан сўнг Грузияга ташриф буюрди. Уни кўриш, нутқини эшитиш учун Тбилисида 150 мингга яқин киши тўпланди. Америка раҳбарининг хавфсизлик хизмати ходимлари одамларни металл детектори назоратидан ўтказиб улгуриша олмади. Оқибатда текширув юзаки ўтди.

Бундан тансоқчилар ва кўриқчилар ваҳимага тушишди. АҚШ Президенти ўз нутқини грузинчасига саломлашишдан бошлади. Буни тўпланганлар гулдурас қарсақлар ва шодиёна хуштакбозлик билан кутиб олишди.

Икки мамлакат раҳбари Вашингтоннинг демократияни қўллаб-қувватлаши борасида музокаралар олиб боришди. Америка раҳбари Грузияга Россия ҳарбий базаларининг мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши масаласида ёрдам беришини билдирган бўлса ҳам, бу музокаралар орқали ҳал этилишини таъкидлади. У шунингдек, Грузия ва Россия терроризмга қарши кураш борасида ўзаро ҳамкорлик қилишлари лозимлигини эътироф этди.

Тбилисига АҚШ Президенти хотини билан ташриф буюрган эди. Жорж Бушга грузинча таомлар, айниқса лобио, мцвади, хачапур ва хинкали жуда ёқди. Лекин унинг учун махсус тайёрланган "Шавнабада" шаробидан татиб кўришдан қатъиян бош тортди. Халқ мусиқаси ва рақси концерти пайти Буш икки марта завққа берилиб, артистларга қўшилиб кавказча миллий рақсга тушишга уриниб кўрди.

ҲАМОН ПОРТЛАШЛАР ДАВОМ ЭТЯПТИ

Ироқ шимолида содир этилган портлашлар оқибатида 40 дан зиёд киши ҳалок бўлган. Барча ҳолатларда ҳам портловчи қурималарни террорчи-камикадзелар ҳаракатга келтиришган.



Биринчи кўпурувчилик Саддам Хусайн туғилган Тикрит шаҳридаги бозорда – полиция идораси яқинида юз берди. Натижада 27 киши ўлди. Унлаб кишилар яраланди.

Иккинчи террорчилик ҳаракати Хавиджа шаҳри ҳарбий комиссариати биносидан уюштирилди. Гувоҳларнинг айтишича, портлаш террорчи ичкарига кирганидан кейин юз берган. Камида 15 киши нобуд бўлган. Илгарироқ Боғдодда ҳам портлаш содир этилгани ҳақида хабар берилган эди. Бу гал террорчи портловчи модда ўрнатилган машинани америкалик ҳарбийлар яқинида портлатган.


Сешанба куни эса жангарилар Анбар провинцияси губернаторини ўғирлаб, америкаликлардан минтақада ҳарбий операция ўтказишга чек қўйишини, Каим шаҳридан қўшинларни олиб чиқишни талаб қилдилар. Раджа Хаваф яқиндагина мазкур лавозимга сайланган эди.

Боғдоддан 320 км узоқда жойлашган бу шаҳарда яқинба куни бошланган "Матадор" операцияси чоғида юзга яқин жангари йўқ қилинган. Ироқдаги АҚШ қўшинлари кўмондонлигининг фикрича, Анбар провинциясида Абу Мусоб ал-Заркавийнинг кўплаб тарафдорлари яширинган.

ЕР КЎЧИШИ ОҚИБАТИДА

Душанба куни кечкурун Хитой шимолидаги Цяонань қишлоғида ер кўчиши оқибатида 24 киши бедарак йўқолди. 11 та уй кўчкилар остида қолди. Бахтли тасодиф туфайли омон қолган 16 киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Фалокат юз берган жойда ҳозир кутқарувчилар ишлашяпти.

Бахтсиз ҳодиса тунги соат 23.00 ларда юз берган. Геологик хизматларнинг маълумотларига қараганда, кўчки узунлиги 250 метрни, баландлиги эса 80 метрни ташкил этади. Мазкур минтақада бунга ўхшаш воқеалар вақти-вақти билан қайд этиб турилади.



ЧИПЛАККА ЧИҚҚАН РЕЖА

Россиялик ҳарбийлар Чеченистонда аксилтеррор тадбири катта муваффақият билан туганини маълум қилишди. 9 майда республика раҳбариятига қарши суиқасд уюштиришни режалаштирган жангарилар шанба куни қўлга олинишган.

Эски Сунжа қишлоғида Чеченистон Республикаси ИИБ ва Россия ФХХ ҳамкорлиқда ўтказган махсус тадбир чоғида Руслан Арсанукаев бошчилигидаги бир неча террорчи тўтирилган. Улар республика ҳукумати биносини портлатиш-моқчи эдилар.



КЕТМА-КЕТ КЎНГИЛСИЗЛИКЛАР

Россия либерал-демократик партияси етакчиси, мамлакат Давлат думасининг вице-спикери Владимир Жириновский учун ғалабанинг 60 йиллиги тантаналари сал бўлмаса фожиали тугарди. У кетаётган "Мерседес" автомобили кечки пайт соат 23.00 ларда Кутузов проспектида "Жип" билан тўқнашиб кетди. Маълумотларга қараганда, ҳеч ким жароҳат олмаган. ЙХХ хизмати ходимлари авария сабабларини ўрганишяпти.

Сўнгги пайтларда Владимир Вольфович кетма-кет кўнгилисизликларга дуч келяпти. Яқинда Давлат думасидаги жанжалда иштирок этгани учун у депутатлик дахлсизлиги ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилиши мумкин. Ўша мижаронинг асосий сабабчиси ким бўлгани ҳануз аниқлангани йўқ.

Россиялик яна бир сиёсатчи – Борис Немцов бошига ҳам гам тушди. Унинг 71 ёшли ҳоласи Клара Яковлевна Эйдманни пичоқлаб кетишди. Аёлнинг мурдаси 7 май куни кечкурун топилди.

Милиция ходимлари гумонланувчи шахсни қўлга олган. Ушбу ҳолат бўйича жиноят ишига гумонланувчидан олинган пичоқ илова қилинган.

КУЙДИРИЛГАН ЖАСАДЛАР ТОПИЛГАН

Яқиндагина РФ ИИБ Жиноят қидирув департаменти бошлиғи Владимир Гордиенко Красноярскда бедарак йўқолган ўсмирларни излаш аниқ натижаларга эришилганича давом этишини айтган эди. Кеча Красноярск ўлкаси прокуратураси матбуот хизмати раҳбари Владимир Медведев яқинда шаҳар чеккасида топилган жасадларнинг қолдиқлари 12 ёшгача бўлган камидда тўрт нафар болага тегишли эканлигини тасдиқлади. "Ген экспертизаси ўтказилгач янаям аниқроқ маълумотлар олинадим", – деди у.

Красноярск ўлкаси ИИББ бошлиғи Александр Горлов куйдирилган ҳолда коллекторларда топилган тана қолдиқлари яхшилаб текшириляётганини тасдиқлади. Шу пайтгача тергов идораларининг вакиллари ўсмирларнинг йўқолишини жиноят билан боғлиқ эмас деб тахмин қилишяётган эди. Болаларнинг ота-оналари ҳам фарзандлари бебош, қочишга мойил бўлмаганини таъкидлашди.

ТИНЧЛИКПАРВАРЛАР ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Сўнгги пайтларда БМТ тинчликпарварларининг омади чопмаяпти. Яқинда халқаро ҳамжамият экспертлари гуруҳи Ливан-Сурия чегараси яқинида ўққа тугилди. Улар Бекаа водийси шарқидаги Сурия ҳарбийлари ташлаб кетган позициялар ва базаларни кўздан кечиришяётган эди.

Гарчи ушбу воқеа оқибатида ҳеч ким жароҳатланмаган бўлса-да, жаҳон ҳамжамияти раҳбариятининг жиддий хавотирланишига сабаб бўлди. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Ливандаги қатор фаластинлик қочоқлар базалари ва лагерларида қуролланган жангарилар борлигидан қаттиқ хавотирда эканлиги тўғрисида баёнот берди. БМТнинг тегишли қарорида ҳам мазкур ҳудуддаги ноқонуний ҳарбийлашган тузулмаларни қуролсизлантириш кўзда тутилган эди. Бу Ливандаги "Хизболлоҳ" террорчилик гуруҳи ва Ливандан макон топган фаластинлик жангариларга тааллуқлидир.

База "Фаластинни озод қилиш халқ fronti" экстремистларига қарашли. Ташкилотнинг кўмондонлик маркази Сурия-Ливан чегарасида жойлашган. БМТ инспекторлари гуруҳи ливанлик офицерлар ҳамроҳлигида ушбу базага йўл олишди. Аммо база кўриқчилари текширувчиларнинг йўлини тўсишиб, бу ёққа кириш мумкин эмаслигини айтишди. Мутахассислар орқаларига қайтишганида жангарилар уларнинг изларидан ўқ ёғдиришди.

Сешанба куни экспертлар гуруҳи Бекаа водийсидаги сурияликларнинг учта собиқ базасини ва разведка марказини кўздан кечиришди. Ҳарбий мутахассисларга сенегаллик бригада генерали бошчилик қилаяпти. Улар БМТ Хавфсизлик кенгашининг резолюцияси бўйича Сурия ўз мажбуриятларини қандай бажаряётганлиги юзасидан ҳисобот тайёрлашлари лозим.

Маърифат дарси

Маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожланиши ҳамда мустақамланишида буюк олим ва маърифатпарвар шоир Абдурауф Фитратнинг ҳиссаси бекиёсдир. Уни Марказий Осиё халқлари шарқ илм-фани, маданияти, маънавияти ривожланиши тарихида ўзидан чуқур из қолдирган буюк сиймо, миллий истиқлол фидойиларидан бири сифатида эъзозлашади. Унинг илмий-фалсафий мероси гоёта бой, хилма-хил ва чуқур маънолидир. Фитратнинг “Шарқ сиёсати”, “Ўзбек классик мусиқаси”, “Туркистонда руслар”, “Ҳинд ихтилофчилари”, “Ҳинд сайёҳи баёноти”, “Юрт қайғуси (бир ўзбек тилидан)” “Ўғизхон”, “Арслон”, “Сайха”, “Қиёмат”, “Чин севги”, “Адабиёт қоидалари” ва бошқа асарлари, драмалари, шеърий рисолалари, бир қанча таржималари халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлигидир.

Абдурауф Фитратнинг “Ҳинд сайёҳининг қиссаси”да илм-маърифат, таълим-тарбия ва мактаб-маориф ишларини юксалтириш гоёлари устуворлик қилади. Адиб асарларининг қиммати ва бугунги кун учун амалий аҳамияти ҳам ана шунда кўринади.

Абдурауф Фитрат ўз асарларида таълим-тарбия ва унинг мақсадлари, мактаб-маориф ишлари, билим бериш усуллари ва воситалари, инсонни маърифатли қилиб тарбиялаш йўллари тўғрисида алоҳида тўхталган. “Раҳбари нажот” адибнинг ана шундай асарлари сирасига киради.

Асар 1915 йили Истамбулда форс-тожик тилида босмадан чиқади. Фитрат унда миллий ва маънавий тараққийга эришиш учун дунёвий фанларни ўрганишга даъват этади. Адиб

асарнинг учинчи бобида оила, бола тарбияси, ахлоқ-одоб ҳақида фикр юритади, оила вазибаларидан энг муҳими авлодни тарбиялашдан иборат эканлигини таъкидлайди.

У ўз педагогик қарашларида, болаларни баркамол қилиб етказиш учун унинг тарбиясига фақат оиладагилар эмас, бутун қавм аъзолари ҳам жавобгар эканлигини уқтиради. Олим инсоннинг камолотга етиши учун бадантарбия муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб, инсоннинг бутун аъзоси саломат ва қувватга эга бўлмаса, узоқ яшамаслигини қайд этади. Бола

бўлади. Касбий ақл илм таҳсили орқали ҳосил қилинишини айтади.

Инсон комил ақл эгаси бўлишида муҳокама муҳим ўрин эгаллашини айтиб, уни икки қисмга ажратади. Биринчиси, маълум (маълум бўлган ҳукм, воқеа ва ҳодисалар), иккинчиси, мажхул (номаълум воқеа ва ҳодисалар)дан хулоса чиқаришдир. Масалан, “Ватан хизмати вожибдир” (шартдир). Бу ҳукм номаълум (мажхул)дир. Бу ҳукмга яна бошқа икки маълум ҳукм лозимдир, яъни, “Ватан бизнинг валинеъматимиз” (саховатмандимиз, неъматлар билан таъмин-

яхши сўз билан тушунтирилса, яхши одатларга йўналтирилса, кишиларга нисбатан ҳурматлари ошади, қабих ишларни қилишдан узоқлашадилар.

Фитратнинг фикрича, инсон ҳаётдан ўз ўрнини топиш учун соғлом фикрли ва пок ахлоқли бўлмоғи керак. Ҳар бир миллат ўз келажагини ўйлар экан, ёшларга эътиборини қаратмоғи, уларни ёшлигиданоқ жисмоний, ақлий, руҳий томондан чиниқтирмоғи лозим. Бу масалада, яъни, фарзанд баркамол бўлиб етишмоғи учун ота-она, барча жамоа, жамият қайғурмоғи зарурлигини

сиг алоҳида эътибор беради, педагогнинг вази-фаси инсонни ахлоқий баркамолликка етказиш ва жамиятга фойдали қилиб тарбиялашдан иборат, деб таъкидлайди. Ахлоқий тарбия учун юқоридагилардан ташқари яна бир шарт мавжудки, аввало, унга риоя қилиш лозим. Яъни, болалар ахлоқ тарбиясини ўзи яшаётган атроф-муҳит ва кўчадаги тенгдошларидан оладилар.

Фитратнинг инсонлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик хусусида билдирган фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Адиб инсон, миллат тинчлиги ва равнақи ҳар қандай қадриятдан устивор эканлигини таъкидлайди. “Ҳеч шубҳа йўқки, – дейди у, – одамлар бир нечталаб дин, мазҳаб, қавм ва миллатга бўлинмасинлар, бир отанинг фарзандларидир, бир жинсдирлар”.

Умуман, Фитрат ўз асарларида маърифат ва маданиятни тарғиб этади, ёшларни янги усул – жадид мактабларида таҳсил олишга, замоннинг тараққий этган фан-техника сирларидан хабардор бўлишга чақиради. Бу унинг мақсади, маслағи ва ҳаётӣ йўли эди.

Маърифатпарвар олим саводсизлик, жаҳолатни қоралайди. Саводсизликни захри қотил деб таърифлаган аллома қайси бир миллат жаҳолат ботқоғига ботса келажақдан жудо бўлади, дейди.

Мустақиллик туфайли Фитратнинг мустабидлик замонида халқимиз хотирасидан атайлаб ўчирилган муборак номи тикланди, илмий-маърифий, фалсафий, педагогик, бадиий мероси халқимиз бисотига айланди.

Ақром АКМАЛОВ,
Республика “Маънавият ва маърифат” маркази бўлим mudiri,
доцент.

ФИТРАТНИНГ ОИЛА ВА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

дунёга келган кундан бошлаб унинг саломатлигини оналар муҳофаза қилиши керак, дейди.

Фитратнинг фикрича, инсон комиллик ва илмга эришиш учун маънавий, оилавий ва инсоний мажбуриятларни адо этмоғи лозим, инсон қалбида ақл, хирс ва газаб қуввати мавжуддир. Адиб ўз асарида бу уч қувватни тахлил қилар экан, ҳар бир киши эзгу ишлар билан шугулланмоғи, яхши сифатларни эгаллаб, хушахлоқ бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича ахлоқий фазилатлар тўрт қисмга: донишмандлик, ифват, шижоат ва адолатга бўлинади. Булар ақлий қувват ислоҳининг натижасидир. Инсон ақлнинг раҳбарлигисиз саодатга мушарраф бўла олмайди.

У ақлни икки қисмга: фитрий (табиат инъом этган) ақл ва касбий ақлга

ловчимиз)дир. “Ҳар бир валинеъмат (олий ҳиммат инсон)нинг Ватан учун хизмати вожибдир”, бас, “Ватан хизмати вожибдур” деган ҳукм юқоридаги икки маълум вазиятлар билан очилади.

Фитрат Ватанни севади, у билан фахрланади, уни ҳар нарсадан муқаддас деб билади ва ёшларни ҳам шунга чорлайди. Ватаннинг равнақ топиши учун дунёвий илмларни эгаллаш лозимлигига даъват этади, бу борада ўзи фидойилик кўрсатади.

Фитрат болаларни олган билимлари бўйича тўғри хулоса чиқаришга ўргатиш учун фикр юритишлариغا аҳамият бериш лозимлигини уқтиради.

Болаларга ёмоннинг ёмонлиги, яхшининг яхшилигини муҳокама орқали тушунтириш керак. Болалар камчиликка йўл қўйган бўлсалар, уларга буни

таъкидлайди.

Болалар соғлом бўлиб, камол топиши ҳақида гапирар экан, уларни ёшлиқдан соф ҳаводан баҳраманд қилишни тавсия этади. Ўқувчилар танаффус вақтларида мактабдаги махсус майдончаларда турли хил фойдали ўйинлар билан машғул бўлиши керак. Ота-оналар ҳам уларни доимо ўйинга ташвиқ ва тарғиб қилишлари лозим. Аммо болаларнинг ўйинлари одоб ва ахлоқ доирасидан чиқмаслиги, илмийлик йўсинда, тўғри тарбиялашга асосланган бўлиши лозим. Унинг уқтиришича, назокат ва покизалик катталар учун қанчалик лозим бўлса, болаларга улардан кўра ўн чандон зарур. Шунинг учун болалар ёшлиқдан бошлаб покизаликка ўргатилиши керак.

Фитрат ўз педагогик қарашларида ахлоқ тарбия-

Хотира уйгонса гўзалдир

ФИДОЙИЛИК ҚАДР ТОПАВЕРАДИ

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги маҳаллалардан бири, ушбу маскан гузаридан Тошкент тумани марказига олиб борувчи кўча ҳамда Келес даҳасидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби марҳум генерал-майор Комилжон Ғофуров номи билан аталиши ўзига хос мазмун касб этади. Комилжон ака ҳаётлигида Тошкент тумани ички ишлар бўлими ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасига раҳбарлик қилганда эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жиноятчилик, айниқса, унинг уюшган турига қарши курашишда фидойилик кўрсатди. Ана шу эзгу мақсад йўлида бор куч-қуввати, билими ва тажрибасини аямади.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан юқоридаги билим даргоҳида байрам тадбири бўлиб ўтди. Эрта тонгдан оркестр садолари янграб, ўқувчилар мактаб ҳовлисида саф тортишди. Бирин-кетин туман раҳбарлари, Комилжон Ғофуровнинг сафдошлари, яқинлари, туман ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББ вакиллари кириб кела бошлашди. Меҳмонлар Комилжон Ғофуровнинг хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулдасталар қўйишди.

Мактаб директори Бахтиёр Раҳматов йигилганларни улуғ айём билан қутлар экан, ўқитувчилар жамоаси келажақ авлодга таълим-тарбия беришда генерал номига муносиб бўлишга ҳаркат қилаётгани, бу борада эришилаётган ютуқлар ҳақида гапирди. Туман ҳокими Сайфулла Темиров эса эл ўртасида ҳурмат қозонган генерал-майор Комилжон Ғофуровнинг ҳаёт йўли, унинг юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга қўшган хиссасига тўхталди.


Билим даргоҳида фаолият кўрсатаётган ёш қаратэчилар, “Ватанпарвар” гуруҳи аъзолари, футболчиларнинг чиқишлари, шунингдек, хор жамоаси ижросида янграган уруш йиллари қўшиқлари тантананага файз бағишлади. Туман, вилоят, ҳатто республика миқёсидаги мусобақаларда муносиб иштирок этаётган бир гуруҳ спортчиларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

Тадбир сўнггида йигилганлар байрам дастурхонига таклиф этилди.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Суратда: тантанадан лавҳа.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.



ДУШАҢБА, 16

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.45 «Тахлилнома»... 8.50 «23, 5 даражали бурчак остида»... 9.40 «Табиат шифохонаси»... 9.50 «Ўзбекфильм» намоиши...

22.35 «Ўзбекфильм» студияси: «Тақдиринг қўлинг-да». Бадийий фильм...

Ёшлар телеканаллари

16.55 Кўрсатувлар дастури... 17.00 «Давр» ҳафта ичида... 17.30 «Янги авлод» почтаси, Соғлом авлод...

Тошкент телеканаллари

17.00 Кўрсатувлар тартиби... 17.10 «Кан кинофестивали» хорижликлар наздида...

хизматингизда... 19.30 «Табриклиймиз-кутлаймиз»... 20.20 ТТВда сериал: «Морена Клара»...

Спорт телеканаллари

7.30 «Хабарлар»... 7.45 «Бодроое утро»... 8.45, 17.00 «Хабарлар» (Рус тилида)...

30-й канал

16.55 гача профилактика ишлари... 16.55 Открытие программы... 17.00 «Зарубежные клипы»...

ОРТ

Уважаемые телезрители! Приносим вам свои извинения за перерыв в вещании до 11.00 в связи с профилактическими работами...

РТР

В связи с профилактическими работами канал начинает вещание в 10.50... 10:50 Сериал «Наваждение»...

16:10 «Честный детектив»... 16:45 Сериал «Кармелита»... 17:45 Сериал «Исцеление любовью»...

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»... 8:00 «СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО. ИНФОРМАЦИЯ К РАЗМЫШЛЕНИЮ»... 9:15 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»...

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего... 8.00 Мультфильмы... 8.30 «Бейблейд-14»...

ДТВ

8.00, 8.30 Мультфильмы... 8.55, 19.55 «Неслучайная музыка»... 9.00 «На бульваре с Отаром Кушанавили»...

СТИНКТ УБИЙСТВА»... 1.15 Агентство криминальных новостей... 1.35 Мужской тележурнал «Арсенал»...

ТНТ

4.50 «Москва: инструкция по применению»... 5.15 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ»... 6.05 «Глобальные новости»...

«МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ»... 9.00 «ТАЛИСМАН ЛЮБВИ»... 10.00 Истории в деталях... 10.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ»...

СЕШАҢБА, 17

Ўзбекистон телеканаллари

10.50 «Мехрибон тулки» мультфильми... 11.20 «Экспедиция»... 12.10 Чемпион сирлари (рус тилида)...

10.50 «Мехрибон тулки» мультфильми... 11.20 «Экспедиция»... 12.10 Чемпион сирлари...

Спорт телеканаллари

7.30 «Хабарлар»... 7.45 «Бодроое утро»... 8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)...

30-й канал

12.00 Открытие программы... 12.05, 17.25, 21.00 «Телехамкор»...

20.20 ТТВда сериал: «Морена Клара»... 21.40 «Хуқуқ» телеклуби... 22.30 «Адолат мезони»...

Спорт телеканаллари

7.30 «Хабарлар»... 7.45 «Бодроое утро»... 8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)...

30-й канал

12.00 Открытие программы... 12.05, 17.25, 21.00 «Телехамкор»...

ОРТ

5.00 «Доброе утро»... 8.00 Новости... 8.05 «Умножающий печаль»...

РТР

4:00 «Доброе утро, Россия!»... 7:45 Сериал «Наваждение»... 8:45 «Мао и Чан Кайши»...

16:10 «Кулагин и партнеры»... 16:45 Сериал «Кармелита»... 17:45 Сериал «Исцеление любовью»...

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»... 7:55 Сериал «Я ВСЕ РЕШУ САМА»... 9:00, 12.00, 15.00, 18.00, 23.00 «СЕГОДНЯ»...

КО ХОРОШЕЕ»... 3:00 «СЕГОДНЯ»... 3:15 Сериал «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА-3»...

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего... 8.00, 9.00, 9.30 Мультфильмы... 8.30 «Бейблейд-15»...

ДТВ

8.00, 8.30 Мультфильмы... 8.55, 19.55, 2.05 «Неслучайная музыка»... 9.00 «На бульваре с Отаром Кушанавили»...

20.55 Сериал «КОБРА. АНТИТЕРРОР»... 22.00 Шоу Бенни Хилла... 23.00 Фильм «УБИЙСТВЕННЫЙ РЕЙС»...

ТНТ

5.00 Москва: инструкция по применению... 5.15 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ»... 6.05 «Глобальные новости»...

«МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ»... 9.00 «ТАЛИСМАН ЛЮБВИ»... 10.00 Истории в деталях... 10.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ»...

Bolalar sahifasi



Kunlardan bir kun...

TABARRUK DARAXT

Qishloqning kunchiqar tomonida azim tut daraxti bor. Daraxt atrofi juda serfayz. Ayniqsa, yozda qishloqqa kirib kelayotganlar albatta, to'xtab, daraxt soyasida biroz salqinlab olishadi. Ko'pincha bu yerda sochlariga oq oralagan bir ayolning kuymalanib yurganini ko'rasiz.

Asqar bobosi bilan tuman markazidan qaytayotib shu yerda to'xtashdi.

– Bobo, nega to'xtadik, televizorda zo'r film bor edi, kechga qolamiz, — dedi Asqar norozi ohangda.

– Film ko'rishga ulgurasan, bu yerda to'xtab o'tmasdan bo'lmaydi, — dedi Kamol ota mashinadan tusharkan.

U daraxt taglarini supirib yurgan kekxa ayolning oldiga bordi. Ikkovi quyuq so'rashishdi.

– Akam rahmatli ekan tutlari bu yil rosa meva berdi. Butun qishloqqa tarqatdim, — dedi ayol.

– Juda yaxshi ish qildingiz, savobi Botir akaga tegadigan bo'ldi, — dedi Kamol ota. — Es-es bilaman, juda barvasta yigit edilar.

– Shu tutni ekayotganlarida o'n yashar qizaloq edim, o'zlari payvand qilgan edilar, — dedi kampir ko'ziga yosh olib.

Kamol ota tilovat qilgandan keyin, yo'lga tushdilar.


– Bobo, bolalar bu daraxtda xosiyat bor, deyishadi, shu to'g'rimi? — so'radi Asqar.

– Bu daraxtni o'sha Mehri ayaning akasi urushga ketish oldidan ekan. Jangda rosa dushmanlarning adabini bergan ekan. U qahramonlarcha halok bo'lgani haqida xat kelganida butun qishloq ahli yig'lagandi. Mana shu tut daraxti Botir akadan qolgan birdan-bir yodgorlik. Daraxtda esa hech qanday mo'jiza yo'q. Qahramon hamqishlog'imizni eslatib turadigan tabarruk daraxt, — dedi Kamol ota.


Endi Asqar ham har gal shu y'oldan o'tganida velosipedidan tushib, tabarruk daraxt tagidan o'tgandan keyin yana minib ketadigan bo'ldi.

Sadriddin ABDULLAYEV.

RASMLARDAGI OLTITA FARQNI TOPING



ОЛИЙ ҲАКАМ



Қадим ўтган замонларда баъзи халқларда Вақт бош маъбуд саналган. Чунки унинг олдида бошқа маъбудлар ҳам чорасиз бўлишган-да.

Тўртинчи ўлчам

Биз уч ўлчамли дунёда яшаймиз. Лекин вақт ўзига хос тўртинчи ўлчам эканини ҳаммамиз ҳам хаёлимизга келтирмаймиз. Ҳамиша ҳам унинг ўтишини сезгиларимиз ёрдамида ҳис қила олмаймиз. Бунга ўзимиздаги ўзгаришлар: улғайишимиз, кексайишимиз, ташқи жиҳатдан ўзгаришимизга қараб пайқаймиз, холос.

Ҳар биримиз умримиз ўлчоғлиқ эканини биламиз. Одамзот Вақт деб аталмиш сирли хилқат устидан ҳукмронлик қилиш, уни бошқариш учун нималарга тайёр эмас дейсиз. Келажакка саёҳат қилиш, келгусида ҳаёти, тақдир қандай бўлишини олдиндан билиш ҳам кўпчиликни қизиқтиради. Афсуски, на уни, на буниси одамзотнинг кўлидан келади. Ҳар ҳолда, ҳозирча бунинг уддасидан чиқа олмайди...

Неча асрларки, одамлар вақт машинаси яратишга уринишди. Улар тўртинчи ўлчам устидан ҳукмрон бўлишни хоҳлашди. Аммо ҳар гал уни фақат кузатишгина насиб этади. Шунинг учун бўлса керак, аксар кишилар соат тақими, китоб жавонларини, деворларни бу ажойиб механизм билан жиҳозлашни ёқтирашди. Тез-тез соат неча бўлганини билгимиз келади. Гўёки яқинда ўладиган, умри оз қолган бемордек...

КЕЛАЖАК САРИ

Вақт ва унинг ҳукмдорлари тўғрисида афсонаю ривоятлар ҳам талайгина. Ана шулардан бири Олимпдаги барча маъбудларнинг отаси, вақт ҳукмдори, Ер ва Осмон ўғли Кронос (ёки Хронос) ҳақидаги қадимий юнон афсонасидир. Унга кўра, башорат қилинишича, Кроносни тахtdан ўз ўғли ағдариши керак эди. Шунинг учун шафқатсиз маъбуд ҳамма болаларини ямламай юта бошлади. Она маъбуд фақат Зевснинггина яшириб қолишга муваффақ бўлади. Зевс вояга етгач, отасини ютган маъбудларини қайтиб чиқаришга мажбурлайди, уни тахtdан тушириб, Олимпда ўзи ҳукмдорлик қила бошлади. Афсонада айтилишича, шундан сўнг ота-бола ярашишди. Кронос бахтлилар оролига ҳокимлик қила бошлади.

БАХТЛИЛАР СОАТГА ҚАРАШМАЙДИ...МИ?

Эзулик ва Ёвузликнинг Вақтга муносабатлари ўзига хос. Бу ҳақда оташпарастлар яратган афсоналар сўйлайди. Бир афсонада икки хил вақт: Ёвузлик эгалик қиладиган бир кунга ўз интихосига етадиган, ўлчоғлиқ вақт — Каран ва Эзуликка тегишли чексиз вақт, раҳм-

шафқат, яхшилиқ замони — Акаран борасида гап боради. Унга кўра одамзот чексиз раҳм-шафқат ва яхшилиқ даврига етишиши учун аввал чекли ёмонлик замонидан ўтиши лозим экан. Аммо бу ҳаммага ҳам насиб этавермаскан. Кўплар ана шу ўлчоғлиқ замонда қолиб кетишаркан. Фақат буюқларгина ўлчоғлиқ вақтдан, ўз замонидан ўзишга муваффақ бўлишди. Аниқроғи, улар бир вақтнинг ўзида ҳам ўтмишда, ҳам ҳозирда, ҳам келажакда яшай олишди. Бундайларни баъзилар авлиё, кимлардир сеҳргар деб атайди.

Балки одамзот Вақт салтанатида бемалол саёҳат қилиш имконига эга бўладиган Олтин аср келар. Ушанда келажакку ўтмиш бир қозонда қайнар. Яхшилаб назар солсак, ҳозир ҳам бу борада катта, бир пайтлар хаёлга келтириб бўлмайдиган ўзгаришлар бор. Ўзингиз ўйланг, узоқ манзилларга илгарилари қисқа фурсатда фақат афсоналардаги сеҳргарларгина ета олишган. Ҳозир-чи? Ахир, ўша учар гиламлару ўзи юрар пойафзаллар айна ҳақиқат бўлиб қолди-ку. Фақат сал бошқачароқ кўринишда.

Телевизор, радио, телефон, Интернет ҳам вақт билан боглиқ қанчадан-қанча тўсиқларни ошиб ўтишимизга имкон бераётди. Гарчи том маънодаги Вақт машинасини ҳали яратмаган бўлсак-да, унинг айрим деталлари, механизмлари аллақачон ишга тушган, бизнинг фойдамизга ишлаётди.

ИНСОН ЎЗИ СИРЛИ БИР ДУНЁ

Баъзиларнинг соати кўпинча шошади, айримларники эса нуқул орқада қолади. Бунга пайқанганимиз? Гап ҳаммиша ҳам соатнинг қанақалигида бўлавермайди. Гап шундаки, бу вақт ҳисоблагичи айна пайтда бизнинг ички оламимизни ўзида акс эттириши ҳам мумкин.

Ҳа, ҳа, ҳайрон бўлманг. Ҳар биримиз ўша маъбудлар маъбуд Кронос (Хронос) сингари озгина бўлса-да вақтга ўз ҳукмимизни ўтказа оламиз. Аниқроғи, ҳар биримиз кичик, айна пайтда сирли бир дунё, олам. Бу митти оламнинг ҳам ўзига хос тўртинчи ўлчами бор.

Ғайриоддий ҳодисалар тадқиқотчиларнинг фикрича, сайёрамизнинг ҳамма нуқтасида ҳам вақт бир хил суръатда ўтмаскан. Масалан, Александр Редько муқаддас Кайлас тоғларида ўзининг ҳисоб-китобларига кўра, қолаверса хронометр кўрсаткичи бўйича 14 кун саёҳат қиладди. Сўнг пастдаги лагерига қайтиб келганида уни кутиб турган шериклари "Сен бор-йўғи уч соат орамизда бўлмадинг, холос" дейишди.

Бундайларни баъзилар авлиё, кимлардир сеҳргар деб атайди.

Яна кўл соатларига қайтсак. Кимнингки соати ҳаммиша тўғри юрса, у ўз замони билан ҳамнафас, ҳамқадамдир. Соатингиз доим кечикса, ҳойнаҳой ўзингиз ҳам ўтмишга, кечгаги кўнигизга боғланиб қолгансиз. Мабодо соат миллирингиз шошса, демак келажакка назар ташлашга ошиқайтган бўласиз. Бордию соатингиз нуқул бузилаверса, эҳтимол, унинг сизга кераги йўқдир. Аниқроғи, ўзингиз вақтни бошқаришни, ўз истагингизга кўра бахли лаҳзаларни узайтириш ва кутиш оларини қисқартириш санъатини эгаллаб олгандирсиз.

ВАҚТ БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИНГ

Афсуски, нафақат соатлар, балки одамлар ҳам замондан орқада қолишлари мумкин. Кимдир доим кечиккани-кечиккани. Биров шогани-шошган. Баъзилар худонинг берган кунга ўтмиш хотиралари ичида яшайди. Айримлар нуқул келажак ҳақида хаёл сургани-сургани. Оқибатда улар вақтни бошқаришнинг ягона имконидан — ҳозирги, бугунги кун билан яшаш имконидан маҳрум бўлишди.


Одамлар кимни бахтли санашди? Омадлиларни, бойларни, ўз севгилисига эришганларни... Улар бунга қандай муассар бўлишди? Вақтни, фурсатни кўлдан бой беришмагани учун. Чунки улар ҳар кунга, ҳар соат, ҳар дақиқа, ҳар лаҳзада яшашди, вақтдан унумли, самарали фойдаланишди. Бу билан келажак борасида режа тузиш, ўтмишни таҳлил қилиш зарарли демоқчи эмасмиз. Фақат режалаштириш, таҳлил асосида бугунги имкониятларни кўлдан чиқариб юбормасангиз бўлгани. Бунга ўрганиш мумкинми? Ҳа, мумкин бўлганда қандоқ. Киши ҳозирини, бугунги кунини бошқара олмас экан, ўз ҳаётини ҳам изга сола олмайди.

Ҳар бир ишнинг ўз вақти-соати бор. Эртанги ташвишларни ўйлаб, асабийлашиб бугунни бой берманг. Айна пайтда бугунги ишни эртага қўйманг. Кўриб турибсизки, вақтингизга хўжайин бўлиш учун қандайдир қийин, мураккаб психологик машқлар бажаришингиз шарт эмас. Фақат юқорида тилга олинган икки олтин қоидага амал қилсангиз бас. Умрингизнинг ҳар бир сониясини тўлақонли яшанг. Бахтли бўлинг.

Бош муҳаррир минбари

МУШТАРИЙЛАРИМИЗ ОЛДИДА

Бир нарсани алоҳида ишонч билан айтиш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида биринчи бўлиб ички ишлар ходимлари ўз матбуот нашрларига эга бўлдилар. “Постда” ва “На посту” деб ном олган газеталар ўз даврида халқ осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини фош этишда фидойилик кўрсатган ички ишлар ходимларининг фаолиятини кенг ёрита бошлади.



Бош муҳаррир, капитан Шухрат Муродов (чапдан иккинчи) бош муҳаррир ўринбосарлари Эркин Сатторов, майор Александр Воргудяев ва Мурод Тиллаев билан газета-журналлар хусусида фикрлашяпти.

Бу муҳим қадам ҳеч қанча вақт ўтмай ўз самарасини берди. Газеталарда мунтазам равишда бериб борилаётган мақолалар газетхонларни шунчалик қизиқтириб қўйдики, натижада ҳар икки газетанинг ҳам халқ учун мўлжалланган якшанба сонлари чоп этила бошланди.

чиларини топиб улгурди ва ҳозирги кунга келиб ижтимоий ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб қолди.

Газеталарнинг кенг халқ оmmasига манзур бўлишида раҳбар ходимлар ва журналистлар – Михаил Гребенюк, Тешабой Толипов, Ўсар Эшонкуловларнинг хизматлари бекиёс бўлди. Айниқса, Алексей Карасик, Собир Салаев, Тоҳир Сайфутдинов, Расул Ҳошимов каби инсонлар газеталаримиз сифатли ва мазмунли чиқишига катта ҳисса қўшдилар. Бу борада Бош муҳаррир ўринбосарлари бўлиб ишлаган Сиддиқхўжа Сулаймонхўжаев, Константин Ти-

мохин, фотомухбир Ҳабибулла Шодиев каби фидойилар ҳам нашрларимизнинг мавқеини кўтаришда анчагина тер тўкканлар. Афсуслар бўлсинки, юқорида номлари зикр этилган ҳамкасбларимиз бугун орамизда йўқ. Лекин таҳририят жамоаси уларни ҳам-

ша ҳурмат-эҳтиром билан ёд этишади, турли тадбирлар, байрамлар уларнинг оила аъзолари иштирокисиз ўтмайди.

Ўз вақтида “Постда” ва “На посту” газеталарида қалам тебратган ҳамкасбларимиз – Революция Ҳасанова, Ҳамидулла Абдуллаев, Пётр Ва-

сильевич Шатрашановлар бугунги кунда ҳам таҳририят билан бажонидил ҳамкорлик қилиб келмоқдалар.

Газеталар қайта ташкил этилгандан сўнг биринчилардан бўлиб таҳририятда хизмат қилган инсонларнинг кўпчилиги ҳозирда бошқа соҳаларда хизмат қилаётган

бўлсалар-да, ҳамон биз билан алоқаларни узишмаган. Полковник Файрат Болтабоев, майорлар Исмоил Минавваров, Исмоил Шомуродов каби ҳам журналист, ҳам ички ишлар ходими бўлган том маънодаги ҳамкасбларимизнинг биз билан бирга эканликлари, нашрларимиз савиясини ошириш йўлида ўз маслаҳатлари, хизматларини аямаётганликларини алоҳида эътироф этмоғимиз лозим.

Газетачилик игна билан кудук қазишдек машаққатли касб. Ҳар бир мақола кўпчиликка маъқул бўлиши, одамлар кўнглидаги гапни топиб баён этиш журналистдан кўп нарсани талаб қилади. Бу борада таҳририятимизда тажрибали ходимлар етарлича топилади. Газеталар қайта ташкил топган биринчи кунлардан оқ меҳнат қилиб келаётган Бош муҳаррир ўринбосарлари Александр Воргудяев, Эркин Сатторов, Мурод Тиллаев шунингдек, бўлим мудирлари Саъдулла Шодиев, Бо-

Таҳририят фаолиятдан



Бўлим мудирини Бобомурод Тошев (чапдан) мухбирлар Шаҳзода Худойбердиева ва Қобилжон Шокировлар нашрлар юзасидан ўзаро суҳбатлашишяпти.



Бўлим мудирини Саъдулла Шодиев (ўнгда) ва мухбир Садриддин Шамсиддинов чоп этилган мақолани муҳокама қилишмоқда.



Газета масъул котиби Раҳматилла Бердиев (чапдан) саҳифаловчи Зокир Болтаев билан навбатдаги сонни тайёрлаш жараёнида.

ИЖОДИЙ ЕТУКЛИК ТИЛАЙМИЗ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишда тўртинчи ҳокимият дея аталган матбуотнинг роли бекиёс. Ушбу жараёнда шак-шубҳасиз “Постда” газетаси меҳнат жамоасининг ҳам ўз ўрни ва хизматлари бор.

Газета ижодий жамоасининг аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги ҳуқуқий тарғибот фаолияти, айниқса, таҳсинга сазовордир. Бугунги кунда нашр тиражи ортиб бораётганлиги “Постда”нинг газетхонлар орасида мавқеи янада мустаҳкамланганлигидан далолат беради. Бунини ижодий жамоанинг катта ютуғи дея баҳолаш мумкин.

Ҳаётимиздаги ўзгаришлар журналистлар зиммасига катта масъулият ва янги вазифалар қўймоқда. Бой тажрибага эга, ўз атрофига забардаст журналистларни бирлаштирган таҳририят бундан буён ҳам халққа, Ватанга хизмат қилишдек эзгу ишларда доимо олдинги сафларда бўлишига ишончимиз комил.

Азиз ҳамкасбларимизга ижодда етуклик, муваффақият, шижоат ва кўтаринки кайфият ҳамиша ёр бўлишини тилаб қоламиз.

«Qonun himoyasida» бирлашган таҳририят жамоаси номидан
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ.

МАСЪУЛМИЗ

бомурод Тошев, Леонид Кияшко, мухбирлар Шахзода Худойбердиева, Садриддин Шамсиддинов, саҳифаловчи Зокиржон Болтаев, операторлар Нина Бабина, Гулнора Содиқова, мусаҳҳих Любовь Мухамеджанова каби ҳамкасбларимиз ўз тажрибаларини ёшларга ўргатишмоқда.

Газеталаримиз мазмунан ранг-баранг, сифат ва географик жиҳатдан тўлақонли бўлишида жамоатчи мухбирларимиз – рассом Осимхон Восихонов, бошқотирмалар устаси Фозилжон

Орипов, сураткашлар Абдувоҳид Тўраев, Жумабой Қозоқов, фахрий журналистлардан Николай Чурсинов, Рамил Сибгатуллин, Алия Маматказина, Миробид Иноятовларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Давр, замоннинг шиддат билан ривожланаётгани, техника асри мисли кўрилмаган даражада ўсиб бораётганлиги таҳририятимиз фаолиятига ҳам маълум маънода ўз таъсирини ўтказяпти. Ҳозир деярли барча хизмат хоналари компьютерлашти-

рилди ва ягона алоқа тармоғига бирлаштирилди. Териш ва саҳифалаш хоналарида замонавийлаштирилган компьютерлар марказлаштирилган ҳолда ишлатилмоқда. Шу боис, газеталарнинг одатдаги сонларини икки хил рангда, байрам сонларини эса тўрт хил рангда чоп этиш имконияти пайдо бўлди. Журналларимиз эса тўлиқ рангли қилиб босилляпти.

Шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, амалга ошираётган барча ишларимизда биринчи навбатда Ички ишлар вазири, генерал-полковник Зокиржон Алматовнинг хайрихоҳликлари бизга далда бўлмоқда.

Нашрларимизни янада қизиқарли, сермазмун қилиш йўлида ҳали кўп изланишимиз лозим. Муштарийларимиз олдидаги бу масъулиятни чуқур англаган ҳолда, улар ишончини оқлаш учун бундан буён ҳам бор куч ва билимимизни ишга солаверамиз.

Шухрат МУРОДОВ,
ИИВ Бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, капитан.

ҚУТЎЛОВ

**Ҳикматли сўзингдан олиб андоза,
Ҳар кун шайланамиз улуг парвозга.
Ҳамон тилдан тушмас – номинг эъзозда,
Халқ билан ёнма-ён, ҳамон “Постда”сан.**

**Зар ипга терилган каби дур, садаф,
Ҳар бир саҳифангда ибратомуз гап.
Қайси йўл тўғри-ю, қайси йўли чап,
Ўргатиб биз билан ҳамон “Постда”сан.**

**Ватан посбонининг кўзгуси ўзинг,
Нуроний нашрлар эзгуси ўзинг.
Тинчликни шарафлаб, ардоқлаб ўзинг,
Халқ билан ёнма-ён, ҳамон “Постда”сан.**

**Ҳалоллик, покликни қилиб ҳимоя,
Ибрат бўлсин учун айтиб ҳикоят.
Келгуси ҳафтадан бериб башорат,
Биз билан ёнма-ён ҳамон “Постда”сан.**

**“Учинчи олам”нинг сир-асрорини,
Ўргандик дунёнинг бутун борини.
Мудом асрагин деб йигит орини,
Сабоқ бериб бизга ҳамон “Постда”сан.**

**Онам сўрар: “Ўғлим, газетам қани?”
Ўғлим кутар кун санаб пайшанбани.
Хуллас, муштоқ қилиб қанча-қанчани,
Қалбларга йўл топган нашрим – “Постда”сан.**

**Бизлар ҳам огоҳмиз, ҳушёрмиз постда,
Ҳамроҳ бўлиб сендек вафодор дўстга.
Адолат қомуси дилга пайваста,
Яхшилик учун сен ҳамон “Постда”сан.**

**Юртимиз тинч бўлсин, тинч бўлсин элим,
“Постда” бизнинг нашр, деб фахр этсин элим.
Юз ёшингда катта тўй берсин элим,
Тўй учун, эл учун ҳамон “Постда”сан.**

Бекмурод УСМОНОВ,
катта сержант.



Бирлашган таҳририятнинг ижодий жамоаси.

ЭҲТИРОМГА ЛОЙИҚ

Республика нашрлари ичида “Постда”нинг алоҳида ўрни бор. Муштарийлар мамлакатимиз ички ишлари ходимлари фаолиятини билиш мақсадида “Постда”га тез-тез мурожаат қилишади. Чунки бу нашр юртдошларимизнинг ҳуқуқий билими ва онгини оширишда муҳим роль ўйнаши билан аҳамиятлидир.

“Постда” ўзига хос шакл ва тажрибага эга газета. Бу шаклга, бу ютуққа эришгунча газета узоқ йўлни босиб ўтганлиги кўпчиликка маълум. Айниқ-

са, чоп этиб бориладиган кўпгина мақолаю суҳбатлар ёшларимизнинг қизиқиш ва истакларини орттирибгина қолмай, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, газета ташкил топган куннинг нишонланаётгани биз учун ҳам эҳтиромга лойиқ.

“Turkiston”чилар номидан “Постда”нинг тўйи қуллуқ бўлсин, деймиз.

Салим АШУРОВ,
“Turkiston” газетаси Бош муҳаррири.



Газета мухбири Муҳаббат Иброҳимова фотомухбир Абу Кенжаев билан тайёр суратларни кўздан кечиришяпти.



Газеталар операторлари Нина Бабина (ўнгдан) ва Гулнора Содиқова иш жараёнида.


САМИМИЙ ҚУТЛАЙМИЗ!

Ички ишлар Вазирлиги Бирлашган таҳририяти нашрлари – “Постда” ва “На посту” газеталарининг ташкил топган куни билан самимий муборакбод этамиз.

Жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликнинг ҳар қандай турига қарши кураш борасидаги тарғибот ишларини олиб боришда бу нашрларнинг ўрни беқиёс, албатта.

Биз Тошкент шаҳар ИИББнинг “Огоҳ” газетаси таҳририяти жамоаси “Постда” ва “На посту” газеталарининг издоши сифатида унга бундан-да узоқ умр, миллионлаб мухлислар меҳри ёр бўлишини тилаб қоламиз.

“Огоҳ” газетаси таҳририяти жамоаси.



Мусаҳҳихлар Фотима Шоисломова (ўнгдан) ҳамда Нодира Азимова терилган материалларни ўқишмоқда.

ШАНБА

21

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Жилволанмаган Африка».

Ёшлар телеканаллари

7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 Кичкинтой театри.
8.50 Олтин мерос.

Тошкент телеканаллари

17.00 Курсатувлар тартиби.

17.10 «Эртақларнинг сеҳри олами».
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 «Пойтахт» ахборот дастури.

30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05, 17.25, 21.40 «Телехамкор».

Sport телеканаллари

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида).

OPT

5.00 Новости
5.10 Серил «Максимальное влияние».

19.00 «Кто хочет стать миллионером?»
20.00 Время
20.20 «Розыгрыш».

PTP

4:55 Фильм «Увольнение на берег».
6:15 «Большая перемена».

ТВ 3

7.30, 8.00, 8.30 Мультфильмы.
9.00 «Бейблейд-19».
9.30 «Черепашки-ниндзя».

ДТВ

8.55 Телесериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
9.30 Мультфильмы.

ТВ 3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00, 8.30 Мультфильмы.
9.00 «Бейблейд-20».

ДТВ

8.55 Телесериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
9.30, 10.15 Мультфильмы.

ана. Наследие принцессы».
14.30 Телесериал «СТРОГО НА ЮГ».

ТНТ

6.00 «НАША СЕКРЕТНАЯ ЖИЗНЬ-3».
6.50 Мультсериал.

23.30 Реалити-шоу «Большой брат. Ночная жизнь».

СТС

7.00 «ДОМ С ПРИВИДИНИЯМИ».
8.50, 9.20, 9.30, 10.00, 10.45 Мультфильмы.

7 ТВ

6.00, 9.30, 16.30, 4.00, 5.00 Линия жизни.

ЯКШАНБА

22

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Табиаоти сева-миз».

Ўзбекистон телеканаллари

9.30 Олтин мерос.
9.35 Кулгуч.
9.45 Хамкор - 2005.

18.30 «Табриклэймиз-кутлаймиз».
18.50, 19.40 «Экспресс» телегазетаси.

Sport телеканаллари

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида).

OPT

5.00 Новости
5.10 Серил «Максимальное влияние».

ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7:20 «Студия «Здоровье».

ТВ 3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00, 8.30 Мультфильмы.

НТВ

5:15 Комедия «БОСИКОМ В ПАРКЕ».
7:00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 «СЕГОДНЯ».

РОМ СОЛОВЬЕВЫМ».
22:40 Фильм «ПРО УРОДОВ И ЛЮДЕЙ».

ТВ 3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00, 8.30 Мультфильмы.

ДТВ

8.55 Телесериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
9.30, 10.15 Мультфильмы.

18.00 Самое смешное видео.
18.30 Юмористическая программа «В засаде».

ТНТ

6.00 «НАША СЕКРЕТНАЯ ЖИЗНЬ-3».
6.50 Мультсериал.

7 ТВ

6.00, 9.30, 16.30, 4.00, 5.00 Линия жизни.

1.15 «ШАРЛО В ИСПАНИИ».
3.15 «ДИАГНОЗ: УБИЙСТВО».

СТС

7.00 «ОПАСНЫЕ ГЕРОИ».
8.50, 9.20, 9.30, 10.00 Мультфильмы.

7 ТВ

6.00, 9.30, 16.30, 4.00, 5.00 Линия жизни.

СПОРТ+ФУТБОЛ



Пойтахтимизда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб спорт байрами ҳамда енгил атлетика эстафетаси бўлиб ўтди. Унда республика "Динамо" ЖТСЖнинг Тошкент шаҳридаги жамоалари қатнашишди. Эстафетага 7 май куни соат 10.00да кичик халқа йўли билан "Фарғона йўли" кўчаси кесишган жойда старт берилди.

Бошдаёқ Ўзбекистон Республикаси МХХ жамоаси илгарилаб кетди. Республика ИИБ Академияси вакиллари улар билан изма-из боришарди. Тошкент шаҳар ИИББ спортчилари ҳам кучли учликка киришди. Мусобақа иштирокчилари "Динамо" спорт-соғломлаштириш мажмуи ўйингоҳига яқинлашганда беллашув авжига чиқди. Аммо маррага етиб

келгунча дастлабки вазият ўзгармади. Голибликни Ўзбекистон Республикаси МХХ жамоаси, иккинчи ўринни республика ИИБ Академияси енгил атлетикачилари қўлга киритишди. Учинчи ўрин эса Тошкент шаҳар ИИББ спортчиларига насиб этди.

Югуриш мусобақаси тугагач, ўйингоҳда спорт байрами бошланди. Унда футбол, арқон тортиш,

пневматик милтиқдан отиш, теннис ва тош кўтариш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Арқон тортиш баҳсларида республика МХХ вакиллари тенг келадиганлар топилмади. Иккинчи ва учинчи ўринларни республика ИИБ ТОҲТБЮ ҳамда ИҚББ спортчилари эгаллашди.

Болалар ўртасида пневматик милтиқдан отиш мусобақаларида голибликни Тошматов ва Берёзина қўлга киритишди. Иккинчи ўрин Холмухамедов билан Шаховага, учинчи ўрин эса Резниченко ҳамда Пакинага насиб этди.


Футбол бўйича республика ИИБ ИҚББ жамоаси голиб чиқди, фахрли иккинчи ўринни Тошкент шаҳар ИИББ ўйинчилари эгаллашди. Тош кўтариш мусобақаларида эса ҳар уччала ўрин ҳам республика МХХ вакилларига – В. Турдикулов, М. Ражапов ва Н. Жўраевга насиб этди.

Асосий беллашувлардан сўнг болалар ўз чиқишларини намойиш этишди, "Кувноқ стартлар" мусобақалари бўлиб ўтди. Шунингдек, қўл жанги, акробатика ва у-шу секциялари аъзолари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишди. Хусусан, у-шу бўйича катта мураббий, Ўзбекистон Республикаси ИИБ махсус жисмоний тайёргарлик маркази катта йўриқчиси В. Борзов раҳбарлик қиладиган шарқ якка кураши секцияси спортчиларининг чиқишлари томошабинларга манзур бўлди.

Байрам тадбири сўнгида голиблар ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар ҳамда фахрий ёрлиқлари топширилди.

Георгий ПЕТРОСЯН.

Суратларда: спорт байрамидан лавҳалар. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.



ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

7 май куни Ўзбекистон Республикаси "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташкил топганлигининг 80 йиллиги, Хотира ва Қадрлаш куни, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллигига бағишлаб Бухоро вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жамоалари ўртасида "Макаров" пистолетидан ўқ отиш мусобақалари ўтказилди.

Вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Т. Ҳакимов мусобақа қатнашчиларини тарихий сана билан табриклаб барча жамоаларга омад тилади. Мусобақада жами бўлиб 22 та жамоа қатнашди. Кескин кечган мусобақада умумжамоа ҳисобида Ромитан тумани ИИБ жамоаси голиб бўлди. 2-ўринни вилоят МХХ бошқармаси жамоаси, 3-ўринни эса Қоракўл туман вакиллари эгаллашди.

Шахсий биринчиликда Ромитан туман ИИБ ходими, сержант А. Зуев голибликни қўлга киритди. Қоракўл туман ИИБ профилактика инспектори, капитан А. Вафоев ва вилоят МХХ бошқармаси ходими Ш. Иззатовга иккинчи ҳамда учинчи ўринлар насиб этди.

Голиблар фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Б. ҚУРБОНОВ,

Бухоро вилояти ИИБ ШТБХ катта инспектори, лейтенант.

35 дан 7 «КАТТА ЛОТТО»

6-ТИРАЖ 11.05.2005

ЮТУҚ ЧИҚҚАН РАҚАМЛАР

15 24 3 19 26 21 33

7 та рақам — йўқ.

6 та рақам — 3 вариантда тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 140544 сўмдан берилади.

5 та рақам — 103 вариантда тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 8187 сўмдан берилади.

7-тираж учун

ЖЕК ПОТ 250.000.000 сўм

«Sportlotto» Ўзбекистон—Америка кўшма корхонаси

САНЪАТКОР ХОТИРАСИ УЛУГЛАНДИ

9 май куни пойтахтимиздаги мухташам Халқлар дўстлиги саройида ажойиб тадбир ўтказилди. Республикада кўшиқчилик санъатини юқори даражага кўтариш билан бирга ички ишлар ходимларининг маънавий ва маърифий дунёқарашини юксалтириш йўлида фидокорона хизмат қилган Ўзбекистон халқ артисти, подполковник, марҳум Нуриддин Ҳайдаровнинг хотирасига бағишлаб ўтказилган хайрия концертида унинг минглаб мухлислари, дўстлари, қариндошлари ва оила аъзолари иштирок этдилар.



Тадбирда иштирок этган ИИБ ШТБХ бошлигининг ўринбосари, полковник А. Сатторов эл севган санъаткор, Тошкент шаҳар ИИББ Маърифат ва маданият маркази бошлиғи лавозимида ишлаган подполковник Н. Ҳайдаровнинг ички ишлар идораларидаги сермазмун фаолияти ҳақида маъруза қилиб, унинг оиласига ИИБ раҳбариятининг совгаларини топширди.

Хайрия концертида марҳум Н. Ҳайдаровнинг устозлари, дўстлари ва шо-



гирдларидан Ўзбекистон халқ артистлари Ш.Жўраев, Ф. Ёқубов, Н. Абдуллаева, республикада хизмат кўрсатган артист Ф. Бойтоев ва бошқа кўплаб санъаткорлар иштирок этдилар. Улар тадбирни ташкиллаштирган ИИБ раҳбарияти ҳамда Санъ-

ат саройи маъмуриятига миннатдорчилик билдиришди.

Тадбирда тушган маблағнинг бир қисми Н. Ҳайдаровнинг оиласига топширилди.

Ш. ШЕРМАТОВА.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

2005 ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

МЕТАЛЛАР БИЛАН ДАВОЛАШ

Одамлар қадимдан металлдан организмларини соғломлаштириш ҳамда турли касалликларни даволовчи восита сифатида фойдаланганлар. Яъни, металлдан ясалган такинчоқларни безак сифатида эмас, шифобахшлик хусусияти борлиги учун тақишган. Замонавий тиббиётда ҳам ундан турли касалликларни даволашда самарали фойдаланилади. Куйида металлнинг инсон организмда тутган ўрни ҳамда кўплаб касалликларни даволашда қўлланилиши ҳақида сўз юритамиз.

МЕТАЛЛОТЕРАПИЯ

Тана лат еганда кўкарган жойга мис танга кўйилишини кўпчилик билса керак. Бу ҳақда ҳатто Арасту ҳам ёзган. Сувни зарарсизлантириш мақсадида челаққа кумуш қошиқ ташлаб кўйилиши ҳам азалдан маълум.

Ҳозирги замон тиббиётини турли касалликларни даволашда металлдан янада самаралироқ фойдаланилмоқда. Шу билан бирга олимлар орасида унинг инсон организмга таъсири борасидаги тортишувлар ҳам давом этмоқда. Чунки металл пластинкаси тери юзасига ёпиштирилганда танадаги биотоклар оқими ўзгариши кузатилади. Бундан ташқари терининг маълум бир соҳаси рефлектор ва қувват жиҳатдан ички аъзолар билан алоқада бўлади. Шу сабаб-

ли ҳам даволовчи металлларни маълум бир нуқталарга қўйиш тавсия этилади. Шуниси қизиқки, мис, олтин ёки кўрғошин инсон танасига кўйилганда металлдан териға ток ўтади. Кумуш ёки қалайида эса аксинча, ток теридан бу жисмлар томонга ҳаракатланади. Шу туйғайли мис, олтин, кўрғошиндан одамда бирор етишмовчилик сезилса, ўз вазифасини бажаришга кучи етмай қолганда, кумуш ва қалайдан эса ортиқча, гиперфункция ҳолатларида фойдаланилади.

Металлар организмда ҳам мавжуд бўлиб, унда кечадиган жараёнларга катта таъсир кўрсатади. Инсон танасининг 3 фоизи металлдан ташкил топгани унинг салмоғи анчалигини билдиради. Бу моддаларнинг мувоза-

нати таъминлиниши учун маълум миқдордаги металл элементлари организмга овқат ва сув орқали тушиб туради.

Кўриниб турибдики, металл биз, инсонларга ҳам ташқи, ҳам ички томондан таъсир қилади. Шунинг учун металлнинг фойдали ва зарарли турларини билиб олишимиз лозим. Металл пластинка танага қўйилгач, унинг таъсири диққат билан кузатиб бориш зарур. Агар сизга (касалингизга) тўғри келса, у териға гўё ёпишиб қолади. Ёқмаса, аксинча, итарилади. Металл билан нотўғри даволанганда пластинка остидаги тери қизариши, шишиб чиқиши, оғизда металл таъми пайдо бўлиб, бош оғриши ёки айланиши, одам ҳолсизланиши мумкин.

СИЗДА МЕТАЛЛНИНГ ҚАЙСИ ТУРИ ЕТИШМАЯПТИ?

Инсон танаси тўқималарида 69 хил металл мавжуд. Организмдаги ўта муҳим жараёнларнинг кечишида ҳар бирининг ўз вазифаси бор. Шунинг учун маълум белгилар орқали организмда қайси металл етишмаётганини аниқлаб, таомномани ўзгартириш орқали уни меъёрга келтириш мумкин. Масалан:

● Организмда мис етишмаса сочларнинг вақтидан олдин оқариши, тўқима ва томирлардаги эластиклик йўқолиши кузатилади. Бу эса аневризм, вена қон томирларининг варикоз кенгайишига олиб келади. Бундан ташқари, мис етишмовчилиги юз берганда қўл, яноқ, кўкрак ва қорин қисмларидаги тери буришиб, осилиб қолади.

Организмга кунига 2,5 мг металл келиб тушиши мақсадга мувофиқдир.

● Агар истеъмол қилаётган таомнинг таъмини билмасангиз, демак организмгизга рух етишмаётган экан. Бунинг оқибати одам еган овқатдан маза топмаслиги, роҳат қилмаслигига олиб келади. Эркақлар организмда рухнинг камайиши простатит, жинсий заифлик кабиларга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳар кун истеъмол қилаётган таомимизда 0,1 мг ана шундай металл бўлиши лозим.

● Айрим тадқиқотлардан маълум бўлишича, организмда ванадий ва хром етишмаслиги қондаги қанд моддасининг камайишига олиб келади. Қандли диабет билан оғриганлар тўрт ойдан олти ойгача ванадийли муоалажа олишганда баъзан у инсулин инъекциясининг ўрнини босиши мумкин. Хром ҳам

танадаги зарур қон миқдорини таъминлаб туради. Организмнинг бу металлларга бўлган кундалик эҳтиёжи 0,1 мг дир.

● Организмга етарли миқдорда бор келиб тушмас эстеъмол касаллиги пайдо бўлиши мумкин. Чунки бор организмда кальций йиғилишида иштирок этади. Унинг гормон алмашинуви меъёрда бўлишини таъминлашдаги роли ҳам катта аҳамиятга эга. Бор аёллар организмга эстроген, эркақларникига эса тестостерон ишлаб чиқаришга ёрдам беради. Табиийки, бу элементнинг организмга етарли миқдорда келиб тушиши аёлларнинг ҳайз циклида, эркақларда эса жинсий заифликнинг олдини олишга ёрдам беради.

● Организмда темир етишмаса одамда тез чарчаш, камқувватлик, тери юзасининг рангсизланиши, соч ва тирикчиликнинг мўртлиги, сочнинг эрта оқариши юз беради. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун кунига таркибидан 15 мг темир бўлган таом истеъмол қилиш лозим.

● Организмнинг вақтидан олдин қаришига унга селен элементини етишмаётгани сабаб бўлади. Бирок кўп миқдордаги селен захарга айланишини ҳам унутмаслик зарур. У саратон касалигининг олдини олади. Организмни унга бўлган кундалик эҳтиёжи 0,1 мг дир.

● Магний тўқималар ичидаги жараённи фаоллаштиради. Шу сабабли унинг етишмаслиги организмда бошқа минерал элементлар ҳамда дармондориларнинг ҳазм бўлишини қийинлаштиради. Организмга ҳар кунига 300 мг магний келиб тушиши зарур.

